QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«19» август 2021-у. №03-03/02-3732 «_____»-__________ 2021-j.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашига**

**Сизнинг, 2021 йил 10 августдаги 5/2773-сонли топшириғингизга:**

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан комплекс чора тадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида амалга оширилиши белгинган чора-тадбирлар режасининг ижроси тўғрисидаги маълумотларни иловаги жадвал асосида қабул этишингизни сўралади.

*Илова 4 варақда.*

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ талими вазири ўринбосари:** **Ш.Таджимуратов**

Ижрочи: А.Аймуратов
Тел: 0361-222-94-54

**Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан комплекс чора тадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида амалга оширилиши белгинган чора-тадбирлар режасининг ижроси ҳақида маълумот**

| № | *Чора тадбирлар* | *Амалга оширилган ишлар* |
|---|---|---|
| 1 | Имконияти чекланган болалар, етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тугатганнан сўнг, ижтимойи мослашув ҳолати тўғрисида тадқиқот ўтказиш. | 2020-2021 укув йилида махсус мактаб-интернатларида 955 нафар ва санатория типидаги интернатларида 389 нафар, жами 1318 нафар имконияти чекланган болалар таълим олган, шуннан битирувчилари 67 нафарни ташкил қилади. Шуннан 50 нафар битирувчилари Олий таълим муассасага хужжатларни топширган. Ишга жойлаштириш масаласида, туман, шаҳар бандликка кумаклашиш бўлимларига муассаса раҳбарлари томонидан руйхатлари берилган. |
| 2 | Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги давлат маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича хисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлар ҳақида»ги 5484-сонли ПФ бўйича туман(шаҳар) ХТБ билан биргаликда электрон база жорий этилди. |
| 3 | Уй-жойға мухтож бўлган етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг улар тарбия муассасаларини тугаллангандан кейин санитария, техник нормаларга ва қонунчиликнинг бошқа талабларига жавоб берувчи уй-жой билан таъминланганлик даражаси ва сифатини баҳолаш. | Хозирги кунда 1-сонли «Меҳрибонлик уйт»ни битирган тарбияланувчиларининг 33нафари уй-жойга муҳтож, бу бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. |
| 4 | Уйда таълим олувчиёшларнинг келажакка бўлган умидини янада ошириш мақсадида таълим муассасаларидаги психологлар билан доймий равишда суҳбат олиб бориш, уларни ҳаётга бўлган қизиқишини уйғотувчи видеороликлар тақдим этиб бориш. | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22-февралдаги ҳар ҳафтанинг шанба куни **«Ўзиниўзиривожлантиришкуни»** доирасида фаолиятини олиб боришга мўлжалланган, ўқувчи ёшларни ҳаётгатўғритайёрлаш, уларникасб-ҳунаргайўналтириш, психологикиммунитетиниоширишгақаратилганумумтаълиммактабларида**«Видеомотивацияклублари»**ни март ойинингбиринчишанбасиданбошлабйўлгақўйишбўйича 03-05/1-241-сонли ҳамдаҚорақалпоғистонРеспубликасыХалқтаълимивазирлигининг 25-февралдаги 01-03/02-929-сонли хатидаишлабчиқилган.«Видеомотивацияклублари»ниташкилэтишҳамдаолибборишт артибиюборилди.<br>Шаҳар ва тумандаги барча методист психологлар учун 4-март куни ZOOM платформаси орқали ўқув семинари ташкиллаштирилиб, бу семинарда клуб фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кенгроқ тушунчалар берилди. Ҳамма шаҳар ва туман барча мактаб ўқувчиларига қўйиб бериладиган мотивацион видеолар танлаб олиниб қўйиб кўрсатилди. |

| | | |
|---|---|---|
| 5 | Болаларни норасмий равишда меҳнатга жалб қилиш, шунингдек, уларнинг соғлиғини ҳамда маънавий ва аҳлоқий камол топишига зиёнет казадиган таълим олиш жараёнини бузадиган ишларга жалб қилишини мониторинг қилиш. | 2020-2021 ўқув йили давомида таълим тизимида болаларни норасмий равишда меҳнатга жалб қилиш, шунингдек, уларнинг соғлиғини ҳамда маънавий ва аҳлоқий камол топишига зиён етказадиган таълим олиш жараёнини бузадиган ишларга жалб қилинишининг олдини олиш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда ўтказилган "Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт ахборот технологиялари, китоб ўкишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та мухим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида"ги видеоселектор мажлисининг 12-сонли баёни ижроси юзасидан 2020-2021 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасида 727 та умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган маданият ва санъат йўналишидаги 267 та тўгаракларга 7366 нафар, мусиқа йўналишидаги 707 та тўгаракларга 21760 нафар, жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги 4220 та тўгаракларга 94139 нафар, IT (компьютер дастурлаш) йўналишидаги 945 та тўгаракларга 16167 нафар, 726 та китобхонлик клубларига 311586 нафар, ўқувчи қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича 707 та тўгаракларга 99283 нафар ўқувчилар қамраб олинди.<br>Бундан ташқари ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш 141 808 нафар ўқувчилар кутубхоналарга жалб қилинган бўлса, ўқувчи-қизлар учун 751 та тўгараклар, клублар ташкил этилиб, уларда 11 297 нафар қизлар жалб этилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 17 та "Баркамол авлод" болалар мактабларида 634 та тўгараклар ташкил этилиб, ушбу тўгаракларга 17534 нафар болалар қамраб олиниб, ўқувчи ёшларнинг маданият ва санъатга қизиқиши оширилиб борилмоқда. |
| 6 | Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ўзжонига қасд қилиш сабаблари ва омилларини таҳлил қилиш, натижаси юзасидан чора-тадбирлар белгилаш. | Ҳар йил давомида амалга оширилган ижобий ишлар ва ўқувчи-ёшларнинг ютуқларига қарамасдан ҳар йилда мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар юз бермоқда.<br>Бул жиноятларга ўтган 2020 йилнинг 6 ойи давомида 8 нафар вояга етмаганлар иштирок этган, 2021 йилнинг 6 ойи давомида 6 нафар вояга етмаганлар иштирок этиб, 2 га камайишига эришилди.<br>Таълим муассасаларида, маҳаллаларда тегишли тизим ходимлари билан олиб борилган тарбиявий ишлар натижасида Бозатов, Кегейли, Қанликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой ва Шуманай туманларида вояга етмаганлар томонидан 2020 йилда ва 2021 йилнинг 6 ойи давомида жиноятлар содир этилмади.<br>Нукус шаҳрида 2 дан 0 га (-2), Беруний туманида 3 дан 0 га (-3), Тахиатош ва Қўнғирот туманларида 1 дан 0 га (-1) камайди. Амударё туманида 1 дан 3 га (+2), Тўрткўл, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида 0 дан 1 га (+1) ошган.<br>2021 йил давомида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар, Маданият, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги |

| | | |
|---|---|---|
| | | билан ҳамкорликда вояга етмаганларга тарғибот ишлари олиб борилиб, жиноятларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. |
| 7 | Болаларни ўқитиш жараёнида таълим сифатини ошириш ва қишлоқ жойларда умумтаълим мактабларини укутувчилар билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш. | Республиканинг чекка ҳудудларга жойлашган 26 та мактаблар руўхати шакллантирилди.<br>Ушбу мактаблардаги педагог кадрларга бўлган эҳтиёж шакллантирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус сайтига жойлаштирилиб, очиқ мустақил танловга эълон берилди ва ушбу мактабларга бориб фаолият юритиш истагини билдирган педагог кадрларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январьдаги ПҚ-4940-сонли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тегишли тартибда тавсияномалар берилиб келинмоқда.<br>Шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактабларидаги мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқиш мақсадида вазирлик раҳбарияти томонидан масъул ходимлар бириктирилиб, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этилмоқда.<br>Хар бир мактабда ўқувчилар психологик суҳбатлар, сўровномалар ўтказилиб махсус 4 та дафтарларига қайд қилиб борилди, психопрофилактик ҳисобга олинган ўқувчилар билан жадвал асосида коррекцион ишлар олиб борилди. Психопрофилактик ҳисобга олинган хулқида ўзгариши бўлган, муаммоли, нохуш холатларни содир қилишга мойиллиги бўлган вояга етмаганларни мактабда ташкил қилинган «**Рухият оламида**» тўгарагига жалб қилинди. Барча мактабларда кузги, қишки таътил кунлари «**Психолог билан самарали ҳафталиклар**» тасдиқланган жадвал асосида ўтказилилиб борилди ва муаммосида мавжуд бўлган ўқувчилар жалб қилинди.<br>Шунингдек психологик суҳбатлар, сўровномалар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг жорий психологик ҳолати ва мойилликларини инновацион психологик ёндошувлар асосида психокоррекциялаш ишларини олиб борилмоқда.<br>Ота-оналар ёки уларнинг урнини босувчи шахслар билан биргаликда болаларнинг мойиллиги сабабини аниклаб, уларни психологик эмоционал холатини яхшилашга кумаклашиш ишлари олиб борилмоқда;<br>Ўқувчиларда рухий зўриқиш, дипрессия, аламзадалик, ўч олиш, ожизлик, тушкунлик, иродасизлик каби суицидга олиб келувчи хулқ-атвор ўзгаришларини енгиллаштирадиган, юмшатадиган, танглика ва мудхиш ўй ҳаёлларни унутишга ундайдиган **“Менинг севимли куним”, ”Эмоциялар сўқмоғи”, «Бизнинг хис туйғуларимиз», «Аламзадаликнинг давоси», «Мен ҳаётни севаман» ва «Ҳаёт қувончлари»** каби илмий жиҳатдан асосланган қисқа муддатли рухий ва жисмоний машқлар мажмуасини ишлаб чиқилди. |
| | | Ижтимоий психологик муаммолари мавжуд хамда фанларни узлаштиришлари паст булган укувчилар билан психологик-педагогик ташхислар, |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Бола Хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда мустаҳкамланган таълимда ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, сифатли таълим олиш имконияти, ўқувчи(талаба)ларга нисбатан камситиш ва зўровонликка йўл қўймаслиги принципларига асосланган зарур шароитларни яратиш. | суровномалар. Сухбатлар утказиш оркали муаммо турини аниклаш, гурухлаш ва улар билан коррекцион ишларни олиб бориш буйича мактаб психологларига методик ёрдам бериб борилиб хар хафтанинг чоршанба кунини "**Психологлар куни**" деб белгиланган ва мактаб психологлари учун турли мавзуларда вебинар семинарлар ташкил килинган;<br>- Барча мактабларда **"Зўравонликка қарши 16 кун"** компанияси доирасида 2020 йил 1 - 16 декабрь кунлари ***"Биз буллингга қаршимиз"*** шиори **"Зуравонликка каршимиз"** акцияси укувчилар уртасида **Сценарий асосида** утказилган; |
| 9 | Иқтидорли болалар ва ижтимоий эхтиёжманманд оилалар фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаштизими («ижтимоийидафтар)ни жорийэтиш. | Қорақалпоғистон Республикасида **1 та** Меҳрибонлик уйи, **4 та** Имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган давлат таълим муассасалари ва **1 та** Болалар уйи фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда уларда жами **8 377 нафар** *(191 нафари чин етим, 962 нафари ногирон болалар)* тарбияланувчилар тарбияланмоқда.<br>*(Шундан: Меҳрибонлик уйида **118 нафар**, Имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган давлат таълим муассасаларида **955 нафар**, Болалар уйида **31 нафар**, Ҳомийлик ва васийликдаги болалар сони **7 271 нафар**).*<br>2021 йил 1 август холатига васийликга, ҳомийликга ва фарзандликка олинган ота-она қарамағидан маҳрум бўлган етим болалардан назоратда турганлар 6229 нафар боланинг ҳуқуқлари муҳофаза этилиб, 1155 нафар бола васийликга, 718 нафари хомийликга ва 4356 нафар бола фарзандликга берилди.<br>Бугунги кунда мехрибонлик уйида 118 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда, улардан 62 нафари ўғил бола, 56 нафари қиз болаларни ташкил этади.<br>2021 йил ёзги мавсумда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 майдаги «2021 йил болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 01-07-01-8-сонли 1-сонли баённига асосланиб Қорақалпоғистон Республикасидаги 3000 нафар «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг болаларини дам олдириш ва соғломлаштиришни молиялаштириш мақсадида 2021 йил 5 июл куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг 393-сонли Президум қарори билан 2 млрд. 800 млн. сум маблағ ажратилди ва болаларнинг мазмунли дам олишига имконият яратилди. |

**Вазир ўринбосари:** **Ш.Таджимуратов**

Ижрочи А.Аймуратов